



СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Бахриев Дилшод Ризвонкулович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация. Мазкур мақолада суғурта бозорида етакчилардан бўлган компаниянинг бошқарув моделини компания бошқарувида таъсири, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, компаниянинг инвестицион салоҳиятига таъсири, суғурта компанияларининг молиявий фаолиятини ташкил топиш манбалари, компаниянинг резервлари, уларнинг шакланганлик механизми, суғурта компаниясининг асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили, суғурта компаниясининг суғурта бозоридаги иштироки бу борадаги хоризжий олимларнинг ёндашувлари ва қарашлари, суғурта компанияларининг инвестиция сиёсати, суғурта бозоридаги муаммолар таҳлили, ривожлантириш истиқболлари атрофлича баён этилган. Ўзбекистонда замонавий бошқарув моделларини суғурта компанияларига кенг қўллаган ҳолда уларнинг молиявий-иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бошқарув моделлари, корпоратив бошқарув, замонавий бошқарув моделлари, суғурта бозори, суғурта ташкилотлари, акционерлик жамиятлари, инвесторлар, суғурта резервлари, инвестиция сиёсати, шаффофлик, ишончлик, суғурта ташкилотларининг инвестиция портфели, акциядорлар, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси, зарарлик коэффициенти, суғурта турлари, моделлар, менежмент, суғурта соҳалари (суғурта тармоқлари).

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПУТЕМ СОВРЕМЕННЫХ МОДЕЛЕЙ УПРАВЛЕНИЯ СТРАХОВЫМИ КОМПАНИЯМИ

Бахриев Дилшод Ризвонкулович

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье рассмотрены влияние модели управления компанией, являющейся одним из лидеров страхового рынка, на управление компанией, их взаимозависимость, влияние на инвестиционный потенциал компании, источники финансовой деятельности страховых компаний, резервы предприятия, механизм их формирования. Кроме того, проведен анализ основных финансово-экономических показателей страховой компании, изучены участие страховой компании на страховом рынке, подходы и взгляды зарубежных ученых в этом отношении, инвестиционная политика страховых компаний, анализ проблем на страховом рынке, а также детально представлены перспективы развития. Разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на дальнейшее развитие и повышение их финансово-экономического потенциала при широком применении современных моделей управления страховыми компаниями Узбекистана.

Ключевые слова: модели управления, корпоративное управление, современные модели управления, страховой рынок, страховые организации, акционерные общества, инвесторы, страховые резервы, инвестиционная политика, прозрачность, надежность, инвестиционный портфель страховых организаций, акционеры, страховая премия, страховое покрытие, коэффициент убыточности, виды страхования, модели, менеджмент, отрасли страхования (сферы страхования).

ENSURING FINANCIAL SUSTAINABILITY BY USING ADVANCED MODELS OF INSURANCE COMPANIES MANAGEMENT

Bahriyev Dilshod Rizvonkulovich

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract. *This article investigates the impact of the management model of a company, which is one of the leaders in the insurance market, on the management of the company, their interdependence, the impact on the investment potential of the company, the sources of financial activity of insurance companies, the reserves of the enterprise, the mechanism of their formation. In addition, an analysis of the main financial and economic indicators of the insurance company was carried out, the participation of the insurance company in the insurance market, the approaches and views of foreign scholars in this regard, the investment policies of insurance companies, an analysis of problems in the insurance market were studied, and development prospects were presented in detail. Scientific proposals and practical recommendations aimed at further development and increasing their financial and economic potential with the widespread use of the advanced management models for insurance companies in Uzbekistan have been developed.*

Keywords: *management models, corporate management, modern management models, insurance market, insurance organizations, joint stock companies, investors, insurance reserves, investment policy, transparency, reliability, investment portfolio of insurance organizations, shareholders, insurance premium, insurance coverage, coefficient of damage, insurance types, models, management, insurance industries (insurance sectors).*

Кириш.

Жаҳон мамлакатларида суғурта бозорининг ривожланиши миллий иқтисодийнинг ўсиш суръатларини тезлашишига ёрдам беради. Бунда суғурта компанияларининг ўрни ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Замонавий иқтисодийда суғурта ташкилотларида замонавий бошқарув ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда бўлган тизимдир. Хорижий суғурта компанияларининг суғурта бозоридаги пул тушумлари оқими унинг тўғридан-тўғри суғурта мукофотлари ҳажми билан тенглаштирилади ва қайта суғурта операциялари ҳажмидан ҳам юқори бўлади. Жаҳон суғурта бозорлари маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, суғурта компанияларининг суғурта бозордаги фаолиятлари натижасида олган доромадлари унинг зарарлилик даражаси юқори бўлган суғурта турлари бўйича суғурта компаламаларини ўз вақтида ва тўлалигича қоплаб беришлари учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда, бу эса ўз навбатида замонавий бошқарув натижасида хосил бўлган мураккаб тизимдир.

Бугунги кунда суғурта соҳасидаги изчил ислохотлар иқтисодийтимиздаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг асосий қисми бўлиб келмоқда. Натижада суғурта соҳаси ходимлари учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилиб, улар томонидан тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотлар бозорда мустаҳкам жой эгаллаб келмоқда.

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги кўпроқ бошқарувни тўғри ташкил этилганлигига боғлиқ ҳисобланади.

Суғурта соҳаси тараққий этган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, соҳада корпоратив бошқарув асосий ўрин эгаллайди. Корпоратив бошқарув тизимида суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш, хизмат кўрсатишнинг оптимал усулларини жорий этиш, барча хизмат кўрсатиш жараёнларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатдош суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, қайта суғурта фаолияти ва компаниялар суғурта портфелини диверсификациялаш, халқаро суғурта бозорига чиқиш мақсадида акциядорлик жамиятлари ижроия органи, кузатув

кенгаши, акциядорлар, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида битта мақсадга интилиш тизими шаклланди.

Адабиётлар шарҳи.

Замонавий ва бугунги кун талабидаги компанияларни бошқарув моделларини иқтисодийга жорий қилиш орқали суғурта компанияларини рақобатбардош компанияга айлантиради.

Ривожланган мамлакатларда суғурта компанияларининг ўз бошқарув услуги бор ва уларнинг асоси бир бўлгани билан имидж жихатдан фарқланади. Корпоратив бошқарувнинг феномен сифатида тан олинishi агентлик назариясининг юзага келиши билан боғлиқ. Айни пайтда, агентлик назарияси корпоратив эгаллик ва назоратнинг бири-бирдан ажралишига асосланади. Бундай ажралиш корпоратив менежментнинг (назорат) ишонч ва фидуциар мажбурият (Фидуциар мажбурият – турли мамлакатлар корпоратив ҳуқуқида турлича талқин қилинсада, содда қилиб айтганда ёлланган профессионал агент (менежер) ишонч билдирган томоннинг (мулкдор) манфаатларини ўз манфаатларидан юқори қўйиши, ўз мулкига нисбатан бўлгани каби компания эгалари мулкига муносабат билдиришини англатади) асосида мулкдор манфаатларини ҳимоя қилиши ва акциядорлик қийматини максималлаштиришини кўзда туттади.

Суғурта соҳасининг долзарб масалалари, муаммолари ҳамда ечимлари бир қатор олимларнинг илмий ишлари ва адабиётларида намоён бўлади.

Ушбу фаолиятини ташкил этишдаги долзарб масалалар ва муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилмоқда.

Жумладан, Умаров (2009) Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланишини бошқариш, суғурта фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлили ва ривожланишидаги муаммолар, суғурта фаолиятининг институтчионал базаси шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида фикрларини келтириб ўтган.

Абдурахмонов (2023) суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси Европа Иттифоқи ва унга аъзо-давлатлар, Буюк Британия, Германия ҳамда АҚШ шунингдек, Хитой ҳамда Япония каби Осиёдаги ривожланган давлатлар мисолида соҳани тадқиқ этган. Хусусан, ҳозирги глобаллашув муҳитида халқаро миқёсда суғурта соҳасидаги ўзгаришлар ва ривожланишлар таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотлар натижаларига мувофиқ суғурта соҳасини тартибга солишнинг замонавий кўринишларини Ўзбекистоннинг суғурта соҳасига тадбиқ қилиш юзасидан тавсиявий таклиф ишлаб чиқилган.

Очилов (2017) суғурта компаниялари томонидан суғурта ҳодисаси содир бўлганда мавжуд бўлган зарарни қоплаш пайтини зудлик билан амалга оширишда суғурта даъволари юзасидан берилган ҳужжатни ўрганиб, мавжуд зарар миқдорини аниқлаб, суғурта тўловларини тўлаб бериш юзасидан мажбуриятларни амалга ошириш, зарарларни қоплаш учун харажатларни аниқлаш ҳамда уни ҳисобларда кўринишини такомиллаштириш бўйича фикрлари баён этилган.

Айзенштейн (1912) жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси бўйича баён қилган фикрига кўра, ушбу суғуртанинг асосий мақсади бир умрлик ҳамда белгиланган муддатли турлардаги жамғариш экани, бунда эҳтимолли риск тури вафот этиш ҳамда белгиланган ёшга етганлиги, ушбу суғурта тармоғида математик-статистик усуллар қўлланилиши, даромадга эга бўлишнинг аниқлиги каби фикрлари келтирилган.

Андреева, Русакова. (2015) ўзларининг илмий мақоласида суғурта компанияларининг молиявий хизматлар соҳасидаги роли ҳақида қўйидагиларни таъкидлаган, суғурта компаниялари молиявий хизматлар соҳасини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди, бундан ташқари суғурта бозорида мажбурий ва ихтиёрий суғурта ҳамжлари ҳам барқарор равишда кўпайиб бормоқда. Ўсиб бораётган суғурта бозори

суғурта компанияларининг самарадорлигини оширишда, янги суғурта механизмларини жорий қилиш учун қўшимча инвестицияларни жалб қилишни талаб қилиб қўймоқда.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг суғурта фаолиятидаги иқтисодий қарашлари, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича изланишлари ҳамда соҳага доир қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Суғурта фаолиятида бошқарув моделларини таҳлил қилар эканмиз, бошқарувнинг компания молиявий ҳолатига таъсирини қўйидаги формулалар орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишимиз мумкин (1-жадвал).

Олимлар инвестиция портфелини оптималлаштириш, инвестиция рискларини камайтириш мақсадида мавжуд бўлган факторлардан фойдаланиб, инвестициядан даромад олиш моделларини кўплаб тузишган. Улар ичида ғарб олимлари, Нобель мукофоти соҳиблари Fisscher Sheffeyu Black ва Myron Samuel Scholes олимларнинг “Black-Scholes” моделини келтириб ўтишимиз мумкин.

Инвестиция портфелини баҳолашдаги янги даврни 1959 йилда HarryMax Marcowitz (1959) фанга янгилик сифатида олиб кирди. Унинг изланишларида ўзгалардан фарқли равишда, таъсир кўрсатувчи факторларга баҳонинг ўзгариши ҳам қўшилди. Яратилган моделлар ичида Марковица ва Линтнер ҳамкорлиги остида “Аниқланган капитал баҳоси модели” муҳим ўрин эгаллади.

Уларнинг модели бўйича суғурта компаниясининг даромадлари қуйидагилардан ташкил топади:

$$\pi = E_k + k(P - X)r + [P - L - X](5)$$

Бунда, π - суғурта компаниясида кутилаётган даромад;

E_k - хусусий маблағлар;

P - суғурта мукофортлари;

L - суғурта қопламалари;

X - ишлаб чиқариш харажатлари в.б.;

k - суғурта резерви фондига ажратма коэффициенти;

r - кутилаётган фоиз ставкаси.

Ишлаб чиқилган оптималлаштириш усулларининг суғурта хусусиятларига мос келадиган афзалликларини олиб, суғурта компаниясининг инвестиция фаолиятини оптималлаштириш моделини тузишга ҳаракат қиламиз.

Оптималлаштириш моделини тузиш жараёнида хато ва камчиликлардан қочиш мақсадида инвестиция фаолияти иштирокчилари бозорини классификациялаш орқали чегаралар қўйилади. Бу система суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти таҳлилинини ўрганишга жорий қилинади.

**Суғурта фаолиятининг асосий йўналишларини акс эттирувчи
актуар ҳисоб-китоб формулалари⁵⁰**

Кўрсаткич	Ҳисоб формуласи	Шартли белгилар
Суғурта суммасининг зарарлилик даражаси ($C_{мз}$)	$C_{мз} = \frac{\sum K}{\sum C}; \quad 0 \leq C_{мз} \leq 1 \quad (1);$	$C_{мз}$ – суғурта суммаларининг зарарлилик даражаси, бу ерда: K – тўланган қопламар суммаси (пул бирлигида). C – Суғурта объектларининг жами суммаси.
Зарарлилик нормаси ($З_н$)	$З_н = \frac{\sum K}{\sum C} \times 100; \quad 0 \leq З_н \leq 1 \quad (2);$	K – тўланган қопламар суммаси (пул бирлигида). C – Суғурта объектларининг жами суммаси.
Ушбу суғурта суммасининг зарарлилик даражаси ва зарарлилик нормаси кўрсаткичлари орқали ҳозирги кунда миллий суғурта бозоримиздаги суғурта турларининг барчаси даромадли ҳисобланиши аён бўлади.		
Конъшин коэффиценти (K)	$K = \sqrt{\frac{1-\bar{T}}{n\bar{T}}} \quad (3);$	n – суғурталанган объектлар сони \bar{T} – суғурта портфели бўйича ўртача тариф ставка
Конъшин коэффиценти (K) орқали пул маблағларининг етишмовчилик даражаси аниқланади. Ушбу кўрсаткич канчалик кичик бўлса суғурта операцияси шунчалик барқарор бўлади.		
Суғурта фондининг барқарорлик коэффиценти (B_k)	$B_k = (D + Z_m) / H \quad (4);$	D – суғурта ташкилоти даромади (аниқ даврга оралиғида) Z_m – заҳира фондлари маблағлари H – суғурта компаниясининг харажатлари (аниқ давр оралиғида)
Суғурта фондининг барқарорлик коэффиценти (B_k) қанча юқори бўлса суғурта фонди шунчалик барқарор бўлади.		

Таклиф қилинаётган система чегаралашнинг уч белгиси бўйича классификацияланади:

1) бозор иштирокчиларига таъсирига кўра:

- умумий, яъни молия бозорининг ҳамма иштирокчиларига таъсир кўрсатади;
- хусусиятига кўра, айрим иштирокчиларгагина аҳамиятли;
- хусусий, аниқ, бир иштирокчига тегишли.

2) табиатига кўра:

- объектив, яъни иштирокчиларга боғлиқ бўлмаган ҳолда таъсир қилади;

- субъектив, иштирокчиларнинг ўзи томонидан танланган метод бўйича аниқланади ва ўрнатилади;

3) инвестиция ҳажмини қамраб олишига кўра;

⁵⁰ суғурта соҳасида қўлланиладиган актуар ҳисоб-китоблар асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

– тўлалигича, инвестиция ҳажми тўлалигича иштирок этиши мумкин;
 – қисман, инвестиция ҳажмининг фақат бир қисмигина иштирок этиши мумкин (масалан, фақат суғурта заҳираси маблағлари);

Суғурта компаниясининг инвестиция фаолияти билан боғлиқ қўйидаги асосий чегараларни аниқлаймиз:

1) молия бозорида бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, айрим молиявий инструментларнинг йўқлиги ёки ишламаётганлиги;

2) суғурта заҳираларини тўлдириб боришга керак бўлган активларни жойлаштирилишини давлат томонидан назорат қилиниши (давлат назорати);

3) суғурта компаниялари ички муҳитидан келиб чиқиб, айрим ҳолларда инвестицияга жойлаштириш жараёнининг таъсисчилар розилиги билан амалга оширилиши;

4) ички муҳитдан келиб чиқиб, компания молия менежерларининг ва раҳбарларининг суғурта портфелини ҳимоясини кўзлаб инвестициялашга талаблар қўйиши.

Юқорида келтириб ўтилган чегараларни ва портфелни ҳимоялаш учун ишлаб чиқилган методларга таяниб, оптималлаштириш моделини тузиш жараёнида суғурта заҳираларини жойлаштиришни давлат томонидан чегараланиши, суғурта портфелининг таркибларининг ўзига хослиги ҳолатлари ҳам ҳисобга олинади.

Бунинг натижасида, мавжуд чегараларни ҳисобга олган ҳолда, мақсад функциясига эга бўлган инвестициялашнинг оптимал модели ишлаб чиқилади:

$$D = \sum_k A_k \times \sum_i \sum_j a_{ij} d_{ij} + B \times \sum_i \sum_j b_{ij} d_{ij} \quad (6)$$

бу ерда, қўшимча қўйидаги чегаралашлар мавжуддир:

$$\sum_j a_{ij} \leq a_i \text{ ва } \sum_i a_{ij} \leq a_j \quad (7)$$

Бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган рискларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

$$P = \sum_k A_k + \sum_i \sum_j a_{ij} p_{ij} + B \times \sum_i \sum_j b_{ij} p_{ij} \leq P_{\text{доп}}, \quad (8)$$

бу ерда;

D – киритилган инвестициянинг даромадлилиги;

A_k – суғуртанинг k тури бўйича суғурта резервларининг умумий суммаси;

a_{ij} – суғурта резервларини қоплаш учун j – эмитентнинг i – кўринишдаги активларини портфелдаги улуши;

B – суғурта компаниясининг инвестиция ресурси сифатида ишлатиши мумкин бўлган ўзлик маблағлари;

b_{ij} – хусусий маблағларини ифодаловчи j – эмитентнинг i – кўринишдаги активларини портфелдаги улуши;

d_{ij} – j – эмитентнинг i – кўринишдаги активларининг даромадлилиги;

a_{ij} – суғурта резервларини қоплаш учун j – эмитентнинг i – кўринишдаги активларини портфелдаги улушининг чегараси;

p_{ij} – суғурта резервларини j – эмитентнинг i – кўринишдаги активларига

жойлаштиришдаги таваккалчилик даражаси;

$P_{\text{доп}}$ – суғурталовчи томонидан инвестиция портфелида йўл қўйилиши мумкин бўлган рискнинг максимал даражаси.

Чегараланиш суғурталовчи томонидан амал қилинадиган қуйидаги кўрсаткичларга ҳам таъсир қилади:

а) мумкин бўлган қўйилмалар кўринишининг сони (i -нинг мумкин бўлган чегаравий сони жами - U_i)

б) мумкин бўлган эмитентлар сони (j -нинг мумкин бўлган чегаравий сони жами - U_j)

в) алоҳида битта қўйилманинг улуши (j -нинг жами ёки қатъий аниқлангани бўйича $\sum_j a_{ij}$)

г) алоҳида битта эмитентнинг улуши (i -нинг жами ёки қатъий аниқлангани бўйича $\sum_i a_{ij}$)

Оптималлаштиришнинг мақсад функциясини тузиш жараёнида кўриб ўтилган барча боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ҳолатларни, амал қилиниши шарт бўлган чегараларни ҳисобга олиш зарурдир.

Суғурта компаниясининг инвестиция портфелини оптималлаштириш масаласи чизиқли дастурлаш масалалари туркумига киради. Масалани ечишни бошлашдан олдин қуйида келтирилган кўрсаткичларга эътибор қиламиз:

1) Маълум бир муддат давомида суғурта компаниясининг хусусий маблағлари қиймати (жавобгарлик билан боғлиқ бўлмаган) ва вақтинча бўш суғурта захиралари (жавобгарлик билан боғлиқ бўлган);

2) Портфелни оптималлаштириш учун танлаб олинган аниқ маълум бир муддат;

3) Танлаб олинган вақт охиридаги кутилаётган кўрсаткич ва мумкин бўлган қуйидаги четланишлар прогнозлаштирилади:

а) инвестиция сиёсатини олиб боришда ҳисобга олинадиган суғурта мукофотлари ва бошқа тушумлар;

б) суғурта қопламалари;

4) Аниқланган прогнозлардан келиб чиқиб қуйидагилар аниқланади:

а) суғурта портфелига қўйиладиган чегаралар;

б) мавжуд бўлган – $P_{\text{доп}}$ портфелдан кутилаётган фойда;

5) Мавжуд бўлган барча чекланишларни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция портфелини оптималлаштириш масаласи мақсад функциясининг максимуми топилади. Бўлмаса чизиқли дастурлаш масаласидир. Масалани ечимини топиш орқали танланган муддат охирига кутилаётган максимал фойда – $P_{\text{доп}}$ топилади.

Юқоридаги усулни қўллаш орқали суғурта компаниялари инвестиция портфелини қўйилган чекланишларни ҳисобга олган ҳолда, максимал фойда олишга эришиши мумкин.

Худди шундай муммоларни мамлакат суғурта компаниялари фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Бу муаммолар эса ўз навбатида ечимини кутиб қолмоқда. Шу сабабдан, ушбу муаммоларни келиб чиқиш манбаларини чуқур таҳлил этган ҳолда, мамлакат суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини самарадорлигини оширишда юзага келаётган камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш асосида ўз таклиф ва мулоҳазаларни бериш зарурияти пайдо бўлди.

Суғурта компаниялари инвестиция фаолиятига давлат аралашувини камайтириш, чунки давлат томонидан суғурта компаниялари инвестиция фаолиятига аралашув суғурта компаниялари бўш маблағларини кенгроқ жойлаштириш имкониятини чеклаб, инвестиция фаолиятидан олинадиган даромад самарадорлигини пасайтиришга олиб келади.

Суғурта ташкилотларининг депозитларга қўйилган маблағлар, қимматли

қоғозлар бўйича фоиз даромадларидан олинадиган солиқ ставкасини камайтириш ёхуд умуман бекор қилиш.

Давлат томонидан фонд биржалари фаолиятини назоратга олган ҳолда, самарадорлигини ошириш, чунки мамлакатимизда фаолият олиб бораётган фонд биржалари фаолияти сезиларсиз аҳволда.

Шунингдек, Хеджирлаш бу активнинг қийматини, яъни нархини пастлаб кетиши билан боғлиқ рискинни камайтириш ёки олдини олиш учун амалга ошириладиган инвестиция хисобланади. Хеджирлашни гўёки суғурта полиси харид қилишга қиёслаш мумкин. Масалан, агар сизнинг табиий офатлар кўп кузатилиб турадиган жойда бино-иншоотингиз бўлса, албатта уни офатлардан ҳимоя қилишни истар эдингиз ва бунинг учун уни суғурталашдан фойдаланишингиз мумкин. Сиз офатни олдини ололмайсиз, лекин у содир бўлса, ушбу рискка сиз томонингиздан суғурта қилиш орқали олдиндан чорасини амалга оширган бўласиз. Хеджирлашда риск ва фойда ўртасида мулкдор танлов амалга оширишига тўғри келади: эҳтимолий рискни камайтурса, кутилаётган фойда ҳам камаяди. Мисол қилиб айтсак, хеджирлаш бепул эмас. Табиий офатни мисолини олсак ҳам, ойлик суғурта полисини тўлаб борсангиз-у, офат юз бермаса, сизга пулингиз қайтариб берилмайди. Аммо инсон барибир, оз-оз миқдорда тўлов қилиб боришни тўсатдан қилинадиган тўловдан афзал кўради. Кўп компанияларда бизнесда барқарорликни таъминлаш ва корхона фойда олиш учун хеджирлашдан фойдаланиш асосий масалага айланиб бормоқда. Инвестициялар оқими кучайган ҳозирги даврда рискларни аниқлаш ва баҳолаш зарурияти ва ушбу мақсадларга сарфланадиган харажатлар янада муҳимлиги ортиб бормоқда.

Инвестицияда ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин. Мулкдорлар рискларга таъсир қилиш жараёнини кенгайтириш ва рискларни камайтириш учун хеджирлаш усулидан фойдаланмоқдалар. Хеджирлаш усулини яхши бажаришда нарх ўйнаши рискинни камайтириш учун мулкдор турли стратегик таҳлил ва усуллардан фойдаланади. Булардан энг кўп тарқалган усули – бошқа бир инвестиция киритишдир. Албатта, юқорида келтирилган офат мисолида биров ўзига хослик бор – агар офат содир бўлса, етказилган зарар тўлиқ қоплаб берилмайди, баъзида фойдали ҳам бўлиши мумкин. Аммо хеджирлаш усули биров комплексли ва мураккаброқ жараён хисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон суғурта бозорларида бошқарув моделларининг ривожланиши мамлакат миқёсида иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг асосий тамойилларидан бири сифатида қаралган бўлиб, ташкил этилган шарт-шароитлар, суғурта анъаналари ва ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда босқичма-босқич ислоҳ этилган ва миллий суғурта бозори суғурта соҳасидаги давлат сиёсати, раҳнамолиги ва қўллаб-қувватланиши (солиқ перференцияларининг бериб борилиши, янги суғурта маҳсулотларининг яратилиши, турли хил мулкчилик шаклидаги суғурта ташкилотларининг фаолиятига кенг йўл очилганлиги ва х.к.) сабабларига кўра ривожланиб такомиллаштирилиб борилмоқда.

Суғурта назоратлари халқаро уюшмаси (СНХУ) тамойилларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон иқтисодиёти, мавжуд инфратузилма, суғурта компанияларининг фаолияти, мулкчилик шакли, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар, суғурта соҳасини тартибга солувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон суғурта бозорига СНХУ тамойиллари бўйича корпоратив бошқарув йўналиши доирасида қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

суғурта компаниясида хавфнинг ҳаддан ташқари ёки ноўрин равишда ошишига олиб келмайдиган мукофот сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритиш;

корпоратив маданият, мақсадлар, стратегия, таваккалчиликни бошқариш, шунингдек суғурта компаниясининг узоқ муддатли манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиш, суғурталанган шахслар ва бошқа манфаатдор томонларнинг манфаатларига тўғри муносабатда бўлиш;

СНХУ тамаойилларини жорий этишда Буюк Британияда 30 йилдан буён Суғурта Омбудсмани (суғурта бюроси) фаолият юритиб келмоқда. Суғурта Омбудсмани суғурта қилдирувчиларни, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари манфаатларини ҳимоя қилади. Ўзбекистонда ҳам мазкур ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш керак.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Markowitz H.M. (1959) *Portfolio Selection: Efficient Diversification of Investment*. Wiley. New York.

PULATOVICH T. J. (2023) *WAYS TO REFORM THE PENSION SYSTEM BASED ON FOREIGN EXPERIENCE //International journal of economic perspectives*. – Т. 17. – №. 1. – С. 64-71.

Tursunov J., Jumabayeva K., & Jumaqulova S., (2022). *O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi*. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2073>

Tursunov Jahongir Polatovich, Abdurakhmonov Ilyos Khurshidovich, Beknazarav Zafar Ergashevich. (2020) *The effectiveness of the organization of activities of insurance intermediaries in the development of insurance networks. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. Issue 04. P. 3888-3896*

Абдурахмонов И. Х., Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концертнал асослари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. –Т.: - 2023. -78 б.

Абдурахмонов И.Х. (2018) Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-Молия” нашриёти, 23-24-б.

Абдурахмонов И.Х. (2020) Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, -11 б.

Айзенштейн Х.А. *Сравнение и критика полисных условий по страхованию жизни*. (1912) СПб.

Андреева Е.В., Русакова О.И. *Страховая деятельность и ее регулирование на современном страховом рынке*. Иркутск: Байкальский государственный университет, (2015) 160 с.

Очилов И.К. (2022) “Суғурта ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий таҳлил методологиясини такомиллаштириш.” ўқув қўлланма.

Умаров С.А. (2009) Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. – «Фан», – Б 52-77.